Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 243 (7. 932) ◆ 1991 йил 18 декабрь, чоршанба ◆ Нархи 8 тийин

29 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тошкент шаҳар ҳокими сайловлари, Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ИЛИҚ ГАПЛАР АЙТИЛДИ

⊙ КИРОВ районидаги «Бодомзор» маҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилди.

— Биз учун Республика Президенти лавозимини ким эгаллаши жуда катта аҳамиятга эгадир, — деди маҳалла комитетининг раиси Ш. Жалолов. — Ўртоқ Каримов мустақиллигимиз учун астойдил курашадиган, ўз халқи манфаатини ўйлайдиган, маҳаллаларнинг янада обод ва кўркам бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган давлат арбобидир. Мен маҳалламизнинг барча кишиларини сайловлар куни Республика Президентлигига Ислом Каримов номзодини қўллаб овоз беришга даъват этаман.

Икки юздан ортиқ маҳалла фуқароси иштирок этган мажлисда фаоллардан Э. Маҳкамов, А. Алимуҳамедов, Ш. Насриддинов ва бошқалар ҳам Президентликка таклиф этилган номзод шаънига илиқ гаплар айтишди.

Йиғилганлар сайловлар куни Ислом Каримов номзоди ва Республика мустақиллигини ёқлаб овоз беришга якдиллик билан келишиб олдилар.

Собир БОЗОРБОЕВ.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

АЙНИ шу кунларда шаҳримиздаги барча округ ва сайлов участкаларида Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳри ҳокими сайловлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун ишлар қизғин олиб борилмоқда. Маълумки, сайловчиларни рўйхатга олиш ва уларни қизиқтирган саволларига жавоб бериш участка фаолларидан янада яхши ва сидқидилдан ишлашни талаб этади. Куйбишев районидаги 3-ҳунар-техника билим юрти биносида жойлашган 46-сайлов участкасининг комиссия аъзолари ана шуни чуқур ҳис этган ҳолда сайловолди ишларни олиб боришмоқда.

Шуни айтиш керакки, Президентликка номзодлар тахтаси, белгиланган кўчалар ва уйларнинг хариталари ҳам ташкил этилди. Сайлов комиссиясининг ишлаши учун қулай жой ажратилган. Куни кеча бир қанча кўчалар ва уларда яшовчи аҳолини рўйхатга олиш тугалланди.

— Энди уйларни саноқ тартибига киритиш, сайловчилар рўйхати учун махсус жой ташкил этдик, — дейди участка сайлов комиссиясининг аъзоси Тоир Сафаров. — Сайловолди ишларида Авайхон маҳалла комитетининг раиси Толиб ака Рисқулов, сайлов участкаси комиссиясининг раиси Тилла ака Отаметов, участка комиссияси котиби Наталья Гордманлар айниқса фаоллик кўрсатишмоқда.

— Биз Президентлик сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда уюшқоқлик кўрсатамиз, бу ишда ҳунар-техника билим юрти муаллимлар жамоаси ҳам қўлдан келган барча ёрдамни беради, — дейди ушбу билим юрти раҳбари Руслан Тян.

Абдурасул ДЎСТМУРОДОВ,
3-ҳунар-техника билим юртида жойлашган 46-сайлов участкаси комиссияси раисининг ўринбосари.

МУНОСИБ НОМЗОДИМИЗ

СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ

«БАРЧА демократик кучларни бирлаштириш, ҳамма шаҳарликлар масъулиятини оширишга асосланган барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни, миллий ва ижтимоий тотувликни сақлаб туриш ҳоким фаолиятида биринчи ўринда туради...»

Тошкент шаҳри ҳокимлигига номзод Атҳамбек Фозилбековнинг кеча Акмал Икромов район аҳли, район меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашувларида унинг сайловолди дастурида келтирилган ушбу сўзлар такрор-такрор тилга олинди. У ким билан суҳбатлашмасин, пойтахтликлар қувонч ва ташвишларини диққат билан тинглади, уларни ҳал этиш ҳақида бафуржа маслаҳатлашди, режалари билан ўртоқлашди.

Номзод «Ўрикзор» маҳалласига келганда қурилиш ишлари олиб борилаётган майдондан Салоҳиддин домла Шожалолов, Мирпўлат бобо Аъзамов ва бошқа отахонлар пешвоз чиқишди. Уларнинг айтишича бу ерда Абу Ҳанифа Жомеъ масжиди ва мадрасаси қад кўтаради.

— Бизга хизмат бўлса... — мурожаат этади Атҳамбек Иброҳимович.

— Шунча қилаётган ғамхўрлигингиз учун мингдан-минг раҳмат, ўғлим. Кейинчалик мабодо, ёрдамингизга муҳтожлик сезсак, дарров мурожаат қиламиз, — дейишди оқсоқоллар.

Райондаги яхна ичимликлар базаси ҳамда 6, 7, 15, 22, 23, 24 ва 38-дўконлар тасарруфида новвойхоналар ташкил этилиб, иссиқ патир нонларни шу ернинг ўзида сотиш йўлга қўйилибди. Бундай қулайликдан яқин атрофда истиқомат қилувчиларнинг жуда мамнун эканлигини тўлқинланиб гапириб берди 7-дўкон нон цехи нонвойи Омина опа Қаҳҳорова. Новвойларнинг ун таъминотида қийинчилик сезишмаётгани дилимизни янада хушнуд этди.

«Ўрикзор» маҳалласидан қайтар эканмиз, қад кўтараётган кўплаб шахсий уйларни кўриб кўзимиз қувонди. Дилкаш кишилар бўлғуси шаҳар ҳокимига миннатдорчилик билдириб, унинг номзоди учун, албатта, овоз беражакларини айтишди. Фойдаланишга топшириш муддати 25 декабрга режалаштирилган боғчаясли қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолибди. 140 нафар кичкинтойга мўлжалланган бу замонавий кошона ўзининг кўркамлиги, хоналарнинг кенг ва шинамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Катта гуруҳ болалари учун ҳатто стол-курсилар қўйилган синфхоналар ҳам мавжуд. Бу боғча ишга тушгач, ота-оналар болаларини узоқроқ жойларга олиб боришмайди. Чунки энди маҳаллада иккита боғча бўлади.

Абдулҳай Тожиев номли маҳалла маданий марказида ҳам икки қаватли бино қурилаётганини кўрдик. Бу ерда мачит, дўкон, новвойхона, сартарошхона ва бошқа майиий хизмат кўрсатиш хоналари очиш мўлжалланган. Эски клубни таъмирлаб устахона қилган ва ёғоч ўймакорлик санъатини ривожлантираётган мусаввир Алишер Мирзаевнинг ишлари ҳар бир кишини ўзига жалб этади. Унинг ва Зиёджон Шомуҳамедов сингари ўндан ортиқ шогирдлари қўлидан чиқаётган эсдалик буюмлари, курсилар таҳсинга лойиқ. Шу боисдан ҳам улар безак бериб ясаётган буюмларга талаб катта. Аммо усталар ёғоч топишда, шунингдек, бино таъмирлаш ишларини тугаллаш учун ғишт олишда бир оз қийинчилик сезишмоқда.

Номзод усталар сўзларини тинглади, Асқар Юсупов, Носир Мирсаидов, Асқар Қаҳҳоров сингари кўплаб маҳалла отахонлари-ю, фаоллар билан учрашди. Бошқа маҳаллаларни айланиш чоғида район маданий маркази, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишда баҳоли қудрат ёрдам беражагини билдирди. Чунки 250 минг киши истиқомат қиладиган райрнда маданий марказ очишни, ишлаб чиқариш шохобчаларини кўлайтиришни давр талаб этаяпти. Шундай экан, олдинги раҳбарлар хатосини ҳозирда иқтисодий танг вазият бўлишига қарамай, тузатишга тўғри келади.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ва булка-қандолатчилик комбинати цехларини айланиб, ишчи-хизматчилар билан ҳамсуҳбат бўлиб, бирлашма мажлислар залига ўтилганда район саноат корхоналари меҳнат жамоаларининг, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг вакиллари номзод билан учрашиш учун жамул жам бўлишган экан. Учрашувни халқ депутатлари район Кенгашининг раиси Қудратилла Рафиқов очди. Сўнгра, Чўпон ота маҳалласининг раиси, шаҳар ҳокимлигига номзод Атҳамбек Фозилбековнинг ишончли вакили Абдураҳмон Очилов, «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Станислав Тетушкин, булка-қандолатчилик комбинатининг ишчиси Нодирахон Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг ишончли вакили Шукур Темуров, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси Саидраҳмон Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқишиб, 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзодига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига Атҳамбек Фозилбеков номзодига ҳамда Республиканинг мустақиллиги учун овоз беришга йиғилганларни даъват этишди ва ўз чақириқларини жумладан шундай ифодалашди:

— Ислом Каримов ҳам, Атҳамбек Фозилбеков ҳам ўз манфаатидан умумманфаатини устун қўювчи, халқ учун жонини ҳам аямайдиган, ўзбек халқининг муносиб фарзандлари. Мустақиллик, фаровон келажак уруғини улар экишди, энди мевасидан ҳам баҳраманд бўлишлари керак. Кам таъминланган оилаларга, талабаларга ёрдам берилаяпти, маҳалла комитетлари раисларига маош белгиланди, «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилди, Алишер Навоий номидаги миллий боғ яратилди, 1,5 миллион оила ер участкаси олди, 1—5-синф ўқувчиларига бепул овқат берилаяпти, келгуси йилнинг 1 январидан эътиборан маҳалла комитети раисларининг маошларини яна 50 фоизга ошириш мўлжалланаяпти...

Атҳамбек Фозилбеков билдирилган илиқ сўзлар ва юксак ишонч учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ.

СУРАТЛАРДА: шаҳар ҳокимлигига номзод А. И. Фозилбековнинг Акмал Икромов райони меҳнаткашлари билан учрашуви акс эттирилган.

Рустам Шарипов суратлари.

ШАҲАР ҲОКИМИ

«Ҳурматли муҳарририят! 29 декабрда биз илк бор Тошкент шаҳри ҳокими номзоди учун овоз берамиз. Айтингчи, юртимизда аввалларги ҳам ҳокимлик лавозими бўлганми? Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиламиз.

Анора ПАРДАЕВА,
хизматчи».

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, бошқа жойлардагидек Тошкентнинг ҳам шаҳар бошлиғи — ҳокими бўлган.

Ҳоким сўзи — лугавий маънода ҳукм қилувчи, ҳукм юритувчи, ҳукм сурувчи демакдир. Демак Ҳоким шаҳар бошлиғи, шаҳар ишларини олиб борувчи, идора этувчи шахс. У фуқаролик, маъмурий бошқарувни амалга оширган.

Ҳокимлик лавозими шаҳримиз учун янгилик эмас. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент тўрт қисм (даҳа)га — Шайхонтовур, Бешёғоч, Кўкча ва Себзорга бўлинган эди. Тошкент тарихида бу давр «чор Ҳоким», яъни тўрт Ҳоким номи билан маълумдир. Шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ўз ҳокимига эга бўлган. Тошкент тарихига оид муҳим манба ҳисобланган «Тарихи жадида — Тошканд»нинг муаллифи Муҳаммад Солиҳ Қораҳўжа ўғли ҳам шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ўз ҳокимига эга бўлганлигини қайд қилади. Бироқ «чорҳокимлик» шаҳарни бошқаришга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Юнусхўжа шайхонтовурлик хўжалар авлодидан бўлган даҳа Ҳокими — шаҳарнинг якка Ҳокими қилиб тайинланади. Шу тариқа «чорҳокимлик» ўрнига «якка ҳокимлик» жорий қилинади.

Шаҳар бошлиғини ўтмиш даврларида турлича — «раис», «дориға» ва ҳоказо деб аташган. Ўрта Осиёда XIII асрда ҳоким билан бир қаторда «раис», XV — XVI асрдан эса «доруға» номлари ишлатилган. Чунончи Алишер Навоий даврида шаҳар бошлиғини «доруға» деб аташган. Масалан, Султон Ҳусайн Мирзонинг куёви Аҳмад Мирзо Ҳирот доруғаси бўлган, Балхда — Амир Шайх Али доруға бўлган. Бу лавозимга ҳокимлар асосан амир, хон томонидан тайинланганлар.

Бошқа мамлакатларнинг шаҳар бошлиқлари ҳам турлича аталган. Масалан, Хитойда шаҳар бошлиғини «Модарин», яъни «Мо» — киши номи бўлиб, «дарин» — улуғ киши, катта одам деб номлашган. Хорижий Шарқ мамлакатларида, жумладан Эрон, Афғонистонда, Туркияда шаҳар бошлиғини Ҳоким деб аташган. Ҳиндистонда шаҳар бошлиғини «ража» дейишади. Европа мамлакатларида эса «мэр» ва «бургомистр» дейилган. Ўтмишда Руссияда шаҳар бошлиғини — «градоначальник» дейишган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати 1991 йил 25 ноябрида «Тошкент шаҳри ҳокимини сайлаш тартиби тўғрисидаги» муваққат Низомни тасдиқлади. Низомда айтилишича, шаҳар ҳокимлигига Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳрида муқим яшовчи ҳамда сайлов ҳуқуқига эга бўлган, ёши 30 дан кам бўлмаган ва 60 дан ошмаган фуқаро сайланиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокими сайловида Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга етган ва Тошкент шаҳрида муқим яшовчи фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқаролар овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Сайловда овоз бериш яширин ўтади ва унда фуқароларнинг ўзлари бевосита қатнашадилар. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор қилишлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди. Ҳар бир фуқаро битта овозга эга.

Жумҳуриятимиз мустақил давлат деб эълон қилиниши шарофати билан ёддан чиқиб кетган эски анъаналар яна ҳаётимизга кириб келяпти. Шаҳар ҳокимини сайлаш ана шундай анъаналардан биридир.

М. ЮНУСХЎЖАЕВА,
тарих фанлари номзоди.

МУҲИМ МАНБА

НОМИ бутун дунёга танилган улуғ бобомиз, жаҳонгир Амир Темур Ўрта Осиё тарихида буюк шахс сифатида алоҳида ўрин тутади. Унинг ҳаёт йўли ва тадбиркорлик билан амалга оширган улуғ ишлари тўғрисида қатор илмий изланишлар амалга оширилди. Тарихчи олимларнинг ана шу кузатишлари асосида Амир Темур жўшқин фаолиятини улуғловчи ишлар юзага келмоқда.

Таниқли тарихчи олим, «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедициясининг иштирокчиси М. Мирзаев ҳам буюк жаҳонгир ҳаётини батафсил ўрганишга киришган тадқиқотчилардан бири саналади. Жиддий изланишлари асосида унинг қатор илмий ишлари юзага келди. «Амир Темурнинг мангу обидалари» деб аталган тарихий қўлёзма шулар жумласидандир. Толмас тадқиқотчи бу каби кузатишларини давом эттириб, «Соҳибқирон ҳақида ривоятлар», «Амир Темурнинг вақфи» қўлёзмаларини ҳам тайёрлади. Бу тадқиқотлар соҳибқирон ҳамда Темурийлар даврини тарихий нуқтаи назардан ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Саодат ОДИЛОВА.

ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ

ХАЛҚИМИЗНИ меҳнатга, дўстликка, муҳаббат ва ижодга чорлаб турадиган мусиқа санъатимиз бор. Бу санъат йилдан йилга ёш истеъдодлар ҳисобига бойиб бормоқда.

Ўзининг ёрқин ижрочилик маҳорати, нафис, оромбахш куйлари билан, катта санъат оламига дадил кириб келаётган рубобчи Тўлқинжон Тешабоев мухлислар меҳрини қозонаётган ана шундай истеъдод эгаси. Ҳозирда у Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари куллиётини битириш арафасида.

Куни-кеча мусиқа билимгоҳининг катта зали мухлислар билан гавжум бўлди. Бунда Тўлқининг катта концерт кечаси бўлиб ўтди. Бунда у ўзбек халқ классик куйлари, мақомларининг чолғу қисмларидан ташкил топган ажойиб дастурни тингловчилар ҳукмига ҳавола қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одилов, Тўлқинжоннинг шу даражага етишувида билим ва тажрибасини аямаган мусиқашунос Ҳусанжон Набиевлар ёш санъаткорнинг келажагига ишонч билдирдилар.

Рустам ҲУЖАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН–ТУРКИЯ:

ТАШРИФНИНГ МАҚСАДИ — ИККИ ХАЛҚНИ ЯҚИНЛАШТИРИШ

ТАСС — ЎзТАГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ АНҚАРАДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР:

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Туркия жумҳуриятига қилган ташрифнинг биринчи куни қизғин ўтди.

Делегация пойтахтдаги Эсенбога аэропортида тантанали кутиб олинди.

«Турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари қадим замонларда бошланган,— деди Туркия жумҳуриятининг Президенти Тургут Ўзол Ўзбекистон раҳбарини табриклаб. Ислом Каримов жанобларининг Туркия жумҳуриятига биринчи ташрифи турк-ўзбек сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини янада кенгайтиришга кўмаклашади. Туркия қардош ўзбек халқининг барча янги ишларида унга мадад беришга тайёр».

«Дўст Туркияга ташрифимизнинг мақсади умумий тарихий, маданий, диний ва лисоний анъаналарга эга бўлган икки халқни яқинлаштиришдан иборат, деб таъкидлади жавоб нутқида И. А. Каримов. Дўст турк халқининг мадади бозор муносабатлари йўлига ўтаётган Ўзбекистон иқтисодиётини тез юксалтиришга кўмаклашади. Ўзбекларнинг қалби турк қардошлар учун ҳамиша очиқ».

Тушдан кейин Ўзбекистон раҳбарининг Туркия Президенти Т. Ўзол, Бош вазири Сулаймон Демирэл билан расмий учрашувлари ва музокаралари бошланди. Кун тартибида икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни чуқурлаштириш масалалари бор.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси ташрифининг режасида Туркиянинг саноат ва маданият марказлари — Измир ва Истанбул шаҳарларига бориш, турк савдо-саноат доираларининг, мамлакатдаги ўзбеклар жамоасининг вакиллари билан учрашувлар кўзда тутилган.

Делегация Отатуркнинг ёдгорлик музейи ва мақбарасини зиёрат қилди. И. А. Каримов Туркия республикаси асосчисининг даҳмаси ёнига гулчамбар қўйди ва ҳурматли меҳмонлар дафтарига ўз фикрини ёзди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг Президенти Туркия Бош вазири С. Демирэл билан учрашди. Уни Туркия ҳукуматининг бошлиғи лавозимига сайланганлиги билан ўз номидан ва ўзбек халқи номидан табриклаб, Ўзбекистон Президенти ушбу ташриф ва ташриф якунида имзоланадиган икки томонлама ҳужжатлар муштарак маданият, дин ва тил туфайли бирлашган иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ишонч билдирди. Ўзбекистон раҳбари Туркияда иқтисодиётни ривожлантиришдаги катта муваффақиятларни таъкидлаб, бу мамлакат босиб ўтган йўл Ўзбекистон учун намунадир, деди. «Биз бу тажрибадан фойдаланишни ва келгусида турк халқи билан қўлни қўлга бериб, елкамаелка туриб ҳамкорлик қилиш йўлидан боришни хоҳлаймиз», — деди у.

«Мен қардош Ўзбекистон жумҳуриятининг президентини Туркия диёрида табриклаб кутиб олаётганимдан бахтиёрман, — деди ўз навбатида С. Демирэл. — Туркия ўзбек халқининг тўла давлат мустақиллигига эришиш муддаоси рўёбга чиқишида унга ҳар томонлама мадад беради».

И. А. Каримов С. Демирэлга ўзбек чеварлари тиккан тўн кийгазди, шунингдек Туркия ҳукумати бошлиғининг сурати тасвирланган гулдонни тақдим этди.

Суҳбатнинг расмий қисми вақтида Туркия — Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА

АНҚАРА, 17 декабрь. (ТАСС — ЎзТАГ махсус мухбирлари). Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Туркия Жумҳуриятининг Президенти Т. Ўзол билан унинг қароргоҳида учрашди. Туркия — Ўзбекистон муносабатларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун, қардош халқларни яқинлаштириш мақсадида телеалоқалар тизимини ривожлантириш учун куч-ғайрат сарфлаш зарур, деб топилди.

Президентлар бир-бирларига совғалар топширишди.

Туркия Президенти Ўзбекистон Республикасининг Президенти шарафига зиёфат берди.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Республикаси конституцион назорат комитетининг мажлисида маҳбусларни қамоқхоналарда сақлаш аҳволига тааллуқли қонунчиликнинг қатор қоидалари кўриб чиқилиб, тегишли хулосалар чиқарилди. Бу хулосалар республика Олий Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

⊙ Наманган вилоят ижроия комитети аввал қабул қилган ўз қарорини қайта кўриб чиқиб, собиқ вилоят партия комитети биносида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш бўйича марказ ташкил этишни лозим топди.

ИТТИФОҚДА

⊙ РСФСР Олий Кенгашининг раиси Руслан Хасбулатов иттифоқ парламенти мулкини, шу жумладан Кремль биноларини ҳам Россия тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

⊙ Озарбайжон Президенти Аёз Муталибов республика ҳудудида жойлашган барча қуролли кучлар бош қўмондонлиги вазифасини ўз зиммасига олди. У шунингдек, Озарбайжон давлат чегарасини ҳимоя қилиш комитетини тузиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

⊙ РСФСР Олий Кенгаши 1992 йил 1 январдан бошлаб ходимларга бюджет манбаларидан тўланадиган энг кам ойлик миқдорини 342 сўм қилиб белгилади. Бунга 1991 йил 1 апрелдан жорий этилган товон пули ҳам киради.

⊙ Беларусь банкларига купонлар келтирила бошланди. Бу купонлар республика фуқароларига январь ойида тўланадиган маошларга қўшиб берилади.

⊙ Украина Президенти Леонид Кравчук республика қўшинлари сонини 150 минг кишига қисқартириш ниятида. Ҳозирги пайтда бу республика ҳудудида 1,2 миллион совет аскари бор.

⊙ АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер 17 декабрда Бишкекда Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Олмаотада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан музокаралар олиб борди.

⊙ Украина футбол федерацияси 1992 йилдан эътиборан ўз биринчилиги ва кубок мусобақаларини ўтказишга қарор қилди. Республиканинг олий лигасида 16, биринчи лигасида 22 ва иккинчи лигасида 17 футбол жамоаси иштирок этиши мўлжалланяпти.

ХОРИЖДА

⊙ Туркия Вазирлар Маҳкамаси собиқ Совет Иттифоқининг ўз мустақиллигини эълон қилган барча республикаларини тан олиш хусусида қарор қабул қилди. Ҳукумат расмий вакилининг баёнотида Туркия тан олган барча республикаларда консулхоналар очилиши айтилади. Улар ўз вақтида дипломатик ваколатхона мақомини олади.

⊙ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси сионизм иркчиликка тенглаштирилган резолюциясини бекор қилди. Бу резолюция 1975 йилда қабул қилинган эди.

⊙ Кувайт Ироқ билан чегараларида худди собиқ ГДРдаги «Берлин деворини»га ўхшаш девор барпо этишни режалаяпти. У Форс кўрфазидан Саудия Арабистони чегарасигача чўзиладиган 200 километрлик масофани эгаллаши керак. Уни барпо этишга шу йилнинг ўзида киришиш тахмин қилинмоқда. Бу девор қурилиши 500 миллион долларга тушади.

Бугунги кун нафаси

Ўзбекистон—Туркия: ҳамкорлик қирралари

ИЛДИЗИ ЯГОНА

⊙ ЮРТИМИЗДА эса бошлаган мустақиллик шабадалари ижобий ўзгаришлар сари муҳим қадамлар қўйишга, бу йўлдаги бир қанча масалаларни ҳал қилишга ундамоқда. Шундай масалалардан бири чет мамлакатлар билан барча соҳадаги ўзаро муносабатларни ўрнатишдир. Бу борада халқимиз учун қондош бўлган Туркия давлати билан ҳамкорлик қилиш кўп яхши натижалар гарови эканлиги таъкидланмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон — Туркия дўстлик жамияти бошқарув кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Иристой Қўчқортоев билан суҳбатлашди.

— Иристой Қўчқорович, яқин ўтмишда бир халқнинг, яъни турк халқининг тарих тақозоси билан икки гуруҳга бўлиниб бир-биридан узиб қўйилиши уларнинг тили, урф-одатлари, маданияти ҳамда маънавиятини бир-бирига зид эта олмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

— Башарият ўз вақтида бир қанча йирик элатлардан ташкил топган бўлиб, шулардан бири Олтой элати эди. Вақт ўтгани сайин бу элатдан ҳам бир неча халқлар тарқала бошлади. Ана шулардан бири Сирдарё бўйига жойлашиб ўзларини турклар деб атай бошлашди. Ўзига хос яшаш тарзи, урф-одатларига эга бўлган бу халқ ҳамма соҳада ривожлана бориб, яшаш жойи ҳам кенгая борди. Уларнинг бир қисми Кавказ орқали, иккинчи қисми эса Шимолий Эрон орқали Кичик Осиёга (ҳозирги Туркия) кириб бориб Византия империясига барҳам берди ва Усмонийлар давлатини тузди. Аммо Ўрта Осиёда яшаган ота-боболарининг яшаш тарзи, урф-одатлари, маданияти, ҳатто халқнинг асл номини ҳам сақлаб қолишди. Шунинг учун ҳам Туркия аҳолиси юртимизни «Ата юрду», яъни ота юрт деган эъзоз билан тилга олишади. Улар жаҳондаги туркларнинг сон жиҳатидан энг катта қисмини (тахминан 50 миллион) ташкил этишади. Ундан кейинги ўринда эса биз ўзбеклар турамиз. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ҳамда Туркия аҳолиси бир дарахтнинг икки бутоғидир, илдиз эса ягона.

— Қадимданоқ бу икки халқнинг ўзаро муносабатлари нималарда намоён бўлган?

— Ўрта Осиё ҳамда Туркия халқлари орасида қадимда ҳаётнинг барча соҳаларидаги, яъни маданий, маиший, савдо-сотиқ алоқалари мустаҳкам эди. Мисол тарзида улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий асарларининг Туркияда севиб мутолаа қилиниши, унинг нафис ғазалларига турк шоирлари ёзган бир қанча муҳаммасларини келтириш мумкин. Навоий асарлари тилига тузилган дастлабки луғатлардан бири эски ўзбекча-туркча луғат—«Абушқа» эди. Буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг устози Қозизода Румийнинг ватани бўлган Бурса шаҳри Туркиянинг биринчи пойтахти ҳисобланади. Алломанинг шогирди Али Қушчи Истамбулдаги Аё София мадрасасининг бош мударриси бўлган.

Яқинда факультетимизда турк тилидан сабоқ бераётган туркиялик Ражаб Ширин билан суҳбат чоғида ажойиб ҳолатга гувоҳ бўлдим. Ўзбек тилидаги «қизиқ» сўзи турк адабий тилида «интересон» (асли фарангча сўз) дейилса-да, бу сўз фақат турк шеваси-да қўлланилар экан. Айтмоқчиманки, ўзбеклар билан Туркия аҳолиси орасидаги ўзаро қон-қариндошликнинг илдизлари шу кунга қадар сақланиб қолган экан.

— Иристой Қўчқорович, Туркиянинг ҳозирги пайтда сиёсий жиҳатдан тутган йўли, бошқа мамлакатлар қаторида иқтисод, илм-фан соҳасидаги мавқеи қандай?

— Туркия 1923 йили Мустафо Камол бошчилигида Республика мақомини олди. Сиёсий жиҳатдан жуда турғун ҳамда ўта демократик давлат. Мамлакат кўп партиявийликка асосланган. Етакчи партия сифатида икки, яъни Тургут Озал («Ватан») ҳамда Сулаймон Демирел («Тўғри йўл») раҳбарлигидаги партиялар фаолият кўрсатмоқда. Туркия тўқимачилик саноати энг тараққий этган давлатлар қаторига киради. Унинг бу соҳадаги ишлаб чиқарган маҳсулотлари жаҳон бозорида катта қийматга баҳоланади. Мамлакат техника тараққиёти жиҳатидан ҳам ривожланган давлатлар қаторида туради. Техника деганимда биздаги даққиюнусдан қолган машина, телефон, радиоларни тушунманг. Таълим, алоқа ва ҳатто матбуот соҳасига мўлжалланган махсус электрон ҳисоблаш машиналари Туркия саноати маҳсулотларидир. Мен шу йили май ойида Туркияда бўлганимда телефонда оилам билан гаплашиш имкониятига эга бўлдим. Тошкентга боғланиш учун 45 сония кифоя қилди. Одамларнинг яшаш шароити яхши. Бозор ва дўконларда ҳамма нарса муҳайё.

— Тошкент Давлат дорилфунуни Туркия билан илм-фан соҳасидаги ўзаро алоқа ўрнатишнинг қайси йўлидан бормоқчи?

— Шу йилнинг май ойида дорилфунуннинг бир гуруҳ раҳбарлари Туркияда бўлиб Истамбул дорилфунуни билан шартнома тузиб қайтди. Ушбу хайрли тадбирдан мақсад илм-фанни ривожлантириш йўлида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, талабаларимизнинг Туркияда сабоқ олишларини таъминлашдир.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.



Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ижара пудрати асосида иш юритаётган «Машъал» корхонаси асосан узун алоқа симлари чиқаради. Мирҳосил Ғуломов 26 йилдан бери шу корхонада ишлаб кўзга кўринганлардан. Шунинг учун ҳам у фахрий ишчилардан биридир.

СУРАТДА: Мирҳосил Ғуломов.

Рустам Шарипов суратн.

Фан—ишлаб чиқаришга

ЖАЙРОНЛАРНИНГ ЯНГИ МАКОНИ

ЖАЙРОНЛАР ҳозир қаерда яшайди? Бу саволга Орол денгизининг қуриб қолган тубида, деб жавоб берсак ҳамма учун қутилмаган жавоб бўлиши мумкин. Ҳазиллашаяпсиз, дейсизми, йўқ, ундай эмас. Ахир буни икки олим — биология фанлари номзодлари Санъат Тожиев билан Валижон Маҳмудов тасдиқлаб туришганидан сўнг шубҳаланиб бўлармиди. Улар яқиндагина Орол минтақасидан қайтиб келишди. Олимлар Орол фожиаси натижасида қуп-қуруқ саҳрога айланган ерга ўзлари қўникиб қолган Устюртни ташлаб келган ажойиб жониворларни ўз кўзлари билан кўришибди.

Тўғри, бунинг қизиқ бир тафсилоти ҳам аниқланди: жайронларни жумҳурият Фанлар академияси Ботаника илмгоҳининг тажриба ерларини гиламдек қоплаб олган ширали ўтлар жалб этибди. Бу ерда етилган ўсимликларнинг намуналарини олимлар Тошкентга олиб келишди. Улар орасида изень, кўп йиллик жавдар, қора саксовул, Ўрта Осиё ўсимлик дунёсининг бошқа бир неча хиллари бор. Бу ўсимликлар шўрҳок ерларда жуда яхши ҳосил бериб келган. Ваҳоланки, баҳор фаслидагина бу ерларнинг шўри ювилган. Шундай қилиб, янги яйловлар вужудга келтириш имконияти исботланди. Айни вақтда экологик фалокат марказида тупроқни мустаҳкамлашнинг яна бир усули топилди.

Оролда ўтказилган илмий тажриба Ўзбекистонда чорвачилик учун озуқа етиштиришнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида илмгоҳ олиб бораётган катта ишларнинг бир қисмидир. Ушбу ишнинг нақадар аҳамиятли эканлигини қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олса бўлади: фақат кейинги йилларнинг ўзида республикамизда қарийб уч миллион гектар жуда яхши табиий яйловлар йўқ бўлиб кетди.

Озуқа муаммоларини ўрганиш билан шуғулланаётган илмгоҳ ходимлари кўз ўнгида аянчли бир манзара пайдо бўлди: яқин-яқиндагина ям-яшил гиламдек ястаниб ётган яйловларда ўт ўсган жойлар кичик-кичик лахтакка ўхшар, уларда маза-матраси кам, ҳатто моллар ейишига арзимайдиган кўкатлар кўзга ташланарди. Бу энг аввало Оролнинг қуриши натижасида кучли шамоллар тупроқнинг устки унумдор қатламини учириб кетиши оқибатидир ярим чўл зонасида унумдор ерларни асоссиз равишда ҳайдаб юбориш, қимматбаҳо дарахтларни ёқиш учун кесиб кетиш, яйловлардан пала-партиш фойдаланиш ҳам салбий таъсир қилди.

Эндиликда биология фанлари доктори, профессор Ўринбой Ҳасанов бошчилигидаги олимлар гуруҳи бундай офатни қисқа муддатда тугатиш имконини берадиган тавсиялар тайёрламоқда. Қорақалпоғистондаги тажриба участкаларида, шунингдек Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг тадқиқотчилик станцияларида табиий яйловларни такомиллаштириш ҳамда озуқа базасини кенгайтиришга доир тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Тупроқнинг тузилишига, экологик ва бошқа шарт-шароитларга қараб яйловлар ўттиз хилга ажратилди. Уларнинг ҳар бири учун жуда самарали парваришлаш усуллари ва фойдаланиш тартиби аниқланди. Бу яйловларга экиш учун озуқа экинларининг қурғоқчиликка ва жазирамага чидамли жами 15 тури танлаб олинди. Уларни парваришлаш натижасида чўл зоналаридаги яйловларнинг ҳосилдорлиги бир ярим-икки баравар, ярим чўлларда эса иккитўрт баравар ошади. Қоракўлчилик илмий-тадқиқот илмгоҳи, «Средазсельхозмеханизация» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Бишкекдаги «Корммаш» конструкторлик-технология илмгоҳининг ходимлари билан биргаликда яйловлар ҳолатини яхшилашнинг ресурсларни тежайдиган ва табиий муҳофаза қилиш янги усуллари ишлаб чиқила бошланди.

Ишнинг ўзига хос томони шундаки, ўсимликларни махсус агрегатлар пуштага экади, айни вақтда кулранг-қўнғир тусдаги гипсли тупроқ 30—35 сантиметр чуқурликда шудгорланади. Дастлабки синовлар бундай усулда намлик яхшироқ тўпланишини, илдизларга ҳавонинг кириши яхшиланишини, бунинг устига яйловлар ҳосилдорлигини оширишга кетадиган харажатлар икки баравар камайишини кўрсатди.

Тадқиқотларнинг ана шу ва бошқа ижобий натижалари ҳақида гапирар экан, профессор Ё. Ҳасанов режалаштирилган ишлар жадвалига тўла-тўкис амал қилиб бўлмаётганини алоҳида уқтирди. Бу эса асосан қишлоқ хўжалик идоралари, лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотларининг кўпчилик раҳбарлари илмий ечимларни амалда рўёбга чиқаришга шошилмаётганликлари, олимларга етарли ёрдам бермаётганликлари сабабли бўлмоқда. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин.

Шундай қилиб Мўйноқ яқинида вужудга келтирилган яйловдаги ўтларни фақат жайронларгина муносиб баҳолади. Шу ерга яқин жойлашган «Орол» совхозининг чорвадорлари эса улар учун шу қадар танқис бўлган ҳашакни ўз вақтида тайёрлай олмадилар. Ана энди олимлар ўзларига ўзлари савол беришмоқда: ишлар омилкорона ташкил этиляптими? Ҳолбуки, нисбатан камроқ маблағ сарфлаб, бироз куч-ғайрат кўрсатилса, кўплаб гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари олиш мумкин бўлади.

Л. ГРИГОРЬЕВ, (ЎзТАГ).

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЧАЙҚОВДАГИ ЧИПТАЛАР

ЯҚИНДА дорилфунунда бирга ўқиган бир дўстим хизмат юзасидан пойтахтимизга келиб қолди. Ишларини тугатгандан сўнг хонадонимизга ташриф буюради.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-икки пиёла чой ичиб бўлгандан кейин у гапира кетди:

— Тошкентга ҳар келганимда янги муҳташам биноларнинг қурилиб, унинг чиройигачирой қўшилаётганини кўриб унга янада меҳрим ошиб кетади. Аммо бир нарса — у ҳам бўлса, пойтахтга келибкетиш муаммоси мени жуда ўйлантиради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Мана шаҳарда ишим битганига уч кун бўляптики, ҳали-бери кетолмайдиганга ўхшайман. Сабаби на поездга, на самолётга чипта бор. Олдиндан сотадиган кассага кирсам, у ердагилар «Сиз айтаётган кунга бундан 15 кун олдин чипта тугаган. Хоҳласангиз кейинги ойга жўнатиб юборамиз» деб ҳазиллашди...

Дўстим ҳақ гапни гапирди. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда пойтахтимизга келиб-кетиш, меҳмондорчиликка ёки иш юзасидан бориш кундан-кунга қийин бўлиб кетяпти. Айтган гапимизни исбот қилиш мақсадида биз Тошкент Жанубий вокзалида бўлдик.

Кираверишда одамлар гавжум. Биров чиптаси билан навбатдаги поездни кутаётган бўлса, бошқаси қўлида чиптаси бўлмаса ҳам бир иложини қилиб манзилга етиб олиш пайида. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.

Биз тепасига «Кассалар» деб ёзиб қўйилган бинога йўл оламиз. Бинога кираверишнинг ўзида тоғни урса талқон қиладиган ёш йигитлар чипта сотиб туришибди. Улар сизни хоҳлаган йўналишингизга жўнатиб юбориши мумкин. Лекин бу чипталар тижорат баҳосида. Ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Кассаларда эса одамлар тирбанд. Кассирларнинг жавоби битта: «Чипта йўқ, қаёққа борсанг, боравер».

— Эрталабдан бери турибман, — дейди марғилонлик Мақсуд ака Муҳиддинов. — Тошкентга ўғлимни кўргани келган эдим. Қайтиб кетолмай хунобман. Ўзим бир оддий колхозчи бўлсам. Қўлдаги чипталарнинг нархи осмонда. Бунга қурбим етмайди. Шундоғам кўп нарсаларни тижорат баҳосида олаяпмиз. У ёқда бола-чақа деганларидек. Илтимос, агарда иложи бўлса ёрдам берингилар.

— Менинг ҳам чипта оламан деб турганимга анча бўлди, — суҳбатга қўшилди нукуслик отахон Назархон Ўринбоев. — Ўзингиз биласиз. Етиб кетадиган вагонда кетмасам бўлмайди. Эрталаб вокзал бошлиғига кирсам «Етиб кетишга жой йўқ, фақат умумий вагонга бор» дейди. Ахир бу инсофданми? Чайқовчиларда эса чипта хоҳлаганингизча бор.

Дарҳақиқат бугунги кунга келиб чипта билан савдо қилувчи чайқовчилик ҳам авж олиб кетди. Юқорида таъкидлаганимиздек, пойтахтимизнинг хоҳ вокзалига боринг, хоҳ тайёрагоҳига боринг, ҳамма ерда чипталар қўлда.

Гоҳида ўйлаб қоласан. Шу савдогарчилик билан қурашадиган ташкилот борми ёки йўқми, деб. Бор, албатта Масалан, Жанубий вокзалда ички ишлар вазирлигига қарашли иқтисодий жиноятга қарши кураш бўлими фаолият кўрсатмоқда. Энди яна савол туғилади. Улар бор бўлса, нега жойларда чайқовчилик кўпайса-кўпайяптики, лекин камаймаяпти?

Шу саволларга жавоб топиш ниятида бўлим инспектори, милиция майори Мазоир Эминовга мурожаат қилдик.

— Тўғри, — дейди у. — Айниқса ҳозирги пайтда чипталар билан чайқовчилик қилувчи кишилар кўпайиб кетди. Уларнинг аксарияти талабалардир.

Биз бу салбий ҳолат билан курашяпмиз. Шу яқин 10-15 кун ичида 20 та чипта билан савдогарчилик қилаётган фуқароларни ушладик. Уларнинг кўпчилигининг ишини судга оширдик. Баъзиларни эса ҳужжатлари йўқлиги ва бошқа сабабларга кўра жавобгарликка торта олмадик. Мисол тариқасида 3 декабрь куни қўлга тушган Дилмурод Ҳолмуродовни олиб кўрсак у Термизгача 20 сўм турадиган чиптани 80 сўмга сотаётганда қўлга олинди. Бу фуқаро шу битта чиптанинг ўзидан 60 сўм фойда кўрмоқчи бўлди. Фрунзе район халқ суди биринчи марта тушаётганини ҳисобга олиб унга 100 сўм жарима солди.

Сергели районида истиқомат қилувчи А. исмли фуқаро эса 97 сўм 65 тийин турадиган учта чиптани 180 сўмга пулламоқчи, бўлиб турганда қўлга тушиб қолди. Ҳозир унинг иши судда кўрилмоқда.

Бундай мисолларни яна келтирса бўлади. Мана ҳозир олдингизда ушлаб келинган наманганлик З. исмли йигит 1971 йилда туғилган. Унинг айтишича Тошкент темир-йўл билим юртида ўқийди. У нархи 11 сўм 50 тийин турадиган олтита чиптани 25 сўмдан оширмоқчи бўлган. Агарда бизнинг ходимлар қўлига тушиб қолмаганда у 81 сўм ишлаб олган бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентнинг Жанубий вокзалида ҳамма йўналишга чиптаи жуда танқис. Одамлар икки-уч кунлаб уйларига кетолмасдан сарсон-саргардонликда юришибди. Бундан фойдаланган чайқовчилар олдиндан чипта олиб қўйиб, икки-уч баравар сотмоқдалар. Бунга мисол тариқасида юқоридаги мисолни келтириш мумкин.

Бу ҳол фақат Жанубий вокзалга хос эмас. Балки буни Шимолий вокзал, тайёрагоҳ ва бошқа жойларда ҳам кўриш мумкин.

Хўш, бу ҳол қачонгача давом этади? Қачонгача пойтахтимизга келган талаба, меҳмон ва бошқалар фақат чипта қидириш билан овора бўлишади? Ёки уни савдогар қўлидан бир неча бараварига оладилар? Чипталар билан чайқовчилик қилаётганлар арзимас жарима тўлаб қачонгача сувдан қуруқ чиқаверадилар? Бу саволларга мутасадди ташкилотлар аниқ жавоб беришлари керак.

Ғулом ЮСУПОВ, «Тошкент оқшоми» мухбири.

Ваколат

ФАЗИЛАТИ ТАНИТДИ

...ЕЗ оқшомларининг бирида салқингина ҳовли саҳнидаги сўрида дам олиб ўтирган Тургун аканинг хаёлини эшик қўнғироғининг устма-уст жиринглаши бузди.

— Ким бор, Тургунжон уйдамилар? — Эшикдан чақирган маҳалла оқсоқолларидан бири эканини таниб, Тургун ака унга пешвоз чиқди.

— Келинг, отахон, келинг...

Оқсоқол унга одатдагидек яна бир «ташвиш» билан келганини айтиб, маҳалладаги бир бева аёлнинг оиласи ёрдамга муҳтожлигини, ўғлини уйлантиришга ҳам қўли қисқалик қилиб турганини ва шу хонадонга моддий ёрдам зарур эканлиги хусусида Тургун ака билан маслаҳатга келганини айтди. Хуллас, тўйни маҳалла жамғармасидан ўтказишга қарор қилинди.

Ҳа, Янгиобод мавзесида бундай тўй-маърака ёки маросим бўлсин, Тургун аканинг маслаҳатисиз ўтмайди. Зеро, кўпчиликнинг бошини бир жойга қовуштириш ҳам осон иш эмас. Тургун аканинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ва ташкилотчилигини билган маҳалла аҳли чорак асрдики, ҳар йили ўзларига етакчи қилиб сайлашади. Шунингдек, Янгиобод мавзеси бўйича 12 та маҳалла комитетлари ишига ҳам Тургун ака Толибназаров бошчилик қилади.

— Ўтган йил Тургунжон Ҳамза район Кенгаши депутатлигига сайланди, — дейди «Донишманд» маҳалласи комитети раиси Карим ака Ғафуров. — Мана шундан буён у ўзининг депутатлик фаолиятини маҳаллалар иши билан боғлаб олиб бормоқда. Район Кенгашининг тил, маданият, байналмилал тарбия ва миллатлараро муносабатлар доимий комиссияси раиси сифатида у ўн бир депутатдан иборат комиссия аъзолари билан ҳамкорликда район кўчалари номларини ўзбекчалаштириб, маҳаллаларда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари билан ўзаро дўстона муносабатларни, тотувликни йўлга қўйиш, қадимий урф-одатлар ва қадриятларни тиклаш ҳамда маросим ва тўйларни ўтказишга бошчилик қилиш каби эзгу ишларни амалга ошириб келяпти.

Шунингдек, Тургун ака ўзи истиқомат қилаётган Ёқуб Алиев номли 2000 дан энёд аҳолиси бўлган 284 хонадондан иборат маҳалла комитетига ҳам етакчи раисдир.

— Эсимда, айни ер қимирлаган йили районимиз янги ташкил бўлган эди, — дея ҳикоя қилади депутатнинг ўзи. — Уша вақтдаги жонкуярлардан бири, район ижроқўми раиси бўлиб ишлаган ва районни тиклаб, оёққа турғазган кекса журналист Ёқуб Алиевнинг вафотидан кейин унинг номини абадийлаштириш мақсадида маҳалламизни Ёқуб Алиев маҳалласи деб атай бошладик. Маҳалламиз турли миллат вакилларидан иборат. Шунга қарамай, Давлат мақомини олган Ўзбек тилини ривожлантириш мақсадида маҳаллий аҳолининг ўзи бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўргатиш учун масъул қилиб бириктирилган. Ўзаро дўстона алоқада яшаб келаётган маҳалламиздаги турли миллат вакиллари ҳозирда маҳалладаги тўй-ҳашамларда ҳам фаол қатнашишмоқда. Нодира ва «Донишманд» маҳаллаларида ҳам олтита кўчанинг номини ўзгартиришга ва у кўчаларни ўзбек элининг таниқли арбобларининг номи билан аталишига эришдик.

Бундан ташқари, Янгиобод мавзеси теварагидаги 12 та маҳаллада мавжуд хотин-қизлар кенгаши билан ҳам биргаликда кўпгина ибратли ишларни амалга оширдик. Жумладан, тўй ва маъракаларни ўтказувчи махсус комиссия тузиб, тўйларимизни ихчамлаштириш, исрофгарчиликсиз, ортиқча чиқимларсиз ўтказиш, қудалар ўртасидаги олди-бердиларни камайтиришга эришдик. Бугунги бозор иқтисодиёти ва нарх-наволарнинг ошган шароитида бу ишимиз кўпчиликка мазмур бўлди.

Ҳа, чиндан ҳам янгиободликларнинг бу ташаббуси бутун Ҳамза районни бўйлаб кенг қулоч ёйди ва улар рўзнома орқали шаҳримиз аҳолисига тўй, маърака ва маросимларни ихчамлаштириш юзасидан мурожаат билан чиқишди. Ҳозир бу даъватга жавобан шаҳардаги кўпчилик маҳаллаларда тўйлар бирмунча ихчамлашиб, ортиқча сарф-харажатсиз ўтмоқда.

Тургун ака Толибназаровнинг бутун умри халқ осойишталигини муҳофаза этиш ишида ўтди. Нафақага чиққач эса у маҳаллалар ишининг ривожлантириш, уни равнақ топтиришга астойдил киришди.

Ҳамза район маҳаллалари ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Неъматжон ака Ҳасанов ҳам биз билан суҳбатда бу серғайрат тиниб-тинчимас раис ҳақида, унинг депутатлик фаолияти тўғрисида илиқ гапларни айтди.

— Тургунжонни маҳалла аҳлининг «отаси» десам, адашмайман, — дейди Неъматжон ака, — Сабаби, каттаю кичик барча нимаики ташвиши бўлмасин, хоҳ кундузи, хоҳ кечаси тўппа-тўғри унинг ҳузурига боришади. Ўз навбатида Тургунжон ҳам ҳамманинг дардига дардкаш, қувончига шерик ва малҳам бўла олади.

Узғалар ғамини ўзининг деб билиб унга чора излаш, бир сўз билан айтганда ҳамиша эл ташвишида юриш — Тургун акага хос фазилат. Бинобарин, уни депутат сифатида кўпчиликка танитган ҳам худди ана шу фазилати.

Зулфия ДЎСМУҲАМЕДОВА.

Янгиликлар — Воқеалар

ЕРНИ ПАРВАРИШЛАШ КЕРАК

«Андижанремвод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари бу йил қарийб 2 минг гектар ернинг унумдорлигини тикладилар.

Бунинг учун 2 минг километрдан кўпроқ коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга, тинка дренажли 355 та қудуқ самарали ишлашини таъминлашга, 100 километрдан ортиқроқ канал ва ариқларга бетон ётқизишга тўғри келди.

Ҳозир мелиораторлар хўжаликларда сувни тежовчи технологияларни жадаллик билан жорий этмоқдалар. Шу йилнинг ёз фаслидаёқ бир ярим минг гектар майдондаги экинлар ихчам шланглар ёрдамида суғорилди, 400 гектар ерда кўчма қувур сувларидан фойдаланилди.

— Бундан кейин ҳам шундай ишлаймиз, — дейди бирлашма бошлиғи Ш. Бегибоев. — Бунинг натижасида суғоришга кетадиган сувни тежаб-гина қолмай, айни вақтда тупроқнинг ҳолати ҳам яхшиланмоқда. Натижада ҳосилга ҳосил қўшилмоқда, баракали хирмон кўтарилмоқда.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДАЯР

Хонқа районидаги Охунбоев номли колхознинг консерва заводи нафақат мевасабзавот консервалари, айни вақтда қандолат маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқара бошлади.

Янги корхона анчагина фойда келтирмоқда, лекин хўжалик фақат фойдани кўзлаб сарф-харажат қилгани йўқ. Колхоз бошқаруви аввало бир неча ўн кишини доимий иш билан таъминлашни мақсад қилиб қўйган эди.

Колхозда аҳоли тобора кўпайиб бормоқда. Уларни кўпроқ иш билан банд қилиш хўжалик раҳбарлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Ҳозир колхозда новвойхона очилмоқда, музқаймоқ ишлаб чиқариш линияси ўрнатилмоқда. Яна бир қанча режалар ҳам бор, мабодо улар амалга оширилса, юзлаб одамлар доимий иш билан таъминланадилар.

ТОЗА ҲАВО БЎЛСИН ДЕБ

Самарқанд вилоят автомобиль назорати ходимлари вилоят назорати ходимлари орасида биринчи бўлиб, экология масалалари билан яқиндан шуғуллана бошлади. Бу ерда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш махсус бўлими тузилди.

— Автомобиллардан чиқаётган газлар ҳавони ифлос қилади, — дейди шаҳар автомобиль назорати идорасининг бошлиғи, милиция подполковниги Н. Ражабов. — Янги бўлимнинг вазифаси барча транспорт турларининг белгилаб қўйилган экология меъёрларига риоя этишларига эришишдан иборатдир.

Милиция ходимлари кунда текшириш ўтказишади. Экологик меъёрларни бузганлик учун олинган жарималар махсус ҳисоб дафтарчасига келиб тушади. Бу пуллар кўҳна шаҳар ҳавосини яхшилашга сарфланмоқда.

ГАЗЧИЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ДАРОМАДИ

Риштон «Райгаз» идораси оҳак ишлаб чиқариш цехини очди. Бу қўшимча корхона анчагина даромад келтириши кутилмоқда. Чунки оҳак тақчил маҳсулот бўлиб якка тартибда уй қураётганларнинг кўпчилиги унга муҳтождир. Цех йилига 1200 тонна оҳак ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бужай қишлоғида очилган кулолчилик корхонаси газчилар оладиган фойданинг яна бир манбаи бўлади. Бу ерда Риштоннинг ўша энг машҳур лойидан косалар, пиёлалар ва бошқа сопол буюмлари тайёрланмоқда. Ердамчи корхоналар газчиларга ҳам фойдали бўлиб, у бозорни тўлдиришга ёрдам бермоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Ия, наҳотки?!.

Тунда гугурт ёқиб ишлаётганлар

1-ТРОЛЛЕЙБУС депосининг дарвозаси ланг очиқ. Ҳовлида ҳар ким ўз иши билан овора. Депо ўзининг серташвиш, сермашаққат яна бир янги кунини бошлади.

Троллейбусларни умумий созлаш жамоаси аъзолари машиналарни синчковлик билан кўздан кечирмоқдалар. Уларнинг ҳаракатларини кузатиб туриб, бу ишнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун ўткир зеҳн, катта маҳорат ва меҳр кераклигини юракдан ҳис қиласан, киши.

Жамоанинг жонкуяр етакчиси Шавкатжон ака Умаров Киров район Кенгашининг депутатидир. У кишининг ҳамроҳлигида ишчилар билан суҳбатлашганимизда ҳазилмутойибалар аста-секин камайиб, барча жиддийлаша бошлади:

— Неча марталаб ёзиб кетишди. Ўзимиз ҳам арз қилдик, лекин бирон бир натижа чиқмади. Ҳеч ким эътибор бермади. Шикоят қилдинг нима-ю, қилмадинг нима, — дейди таъмирловчи Шавкат Ғуломов.

Жамоа аъзолари аллақачон шундай хулосага келиб бўлишган. Хўш, гап нимада? Уларда бунчалик ишончсизлик қаердан келиб чиқди?

Гап шундаки, цехда иш шароити яхши эмас. Неча миллион сўмлаб пул сарфлаб қурилган иситиш воситаси эса яқин орада ишлайдиганга ўхшамайди. Қачонки электр қуввати кучайтирилиб, унга мослаштирилсагина ишга тушиши мумкин.

Ёритиш чироқларини-ку гапирмаса ҳам бўлади. Кечки сменада ишлайдиган хизматчилар гугурт ёқиб троллейбусларни кўздан кечирмоқдалар.

Иш жадвал асосида тузилган. Ишчилар кечаю кундуз, дам олиш кунисиз ишлашаяпти. Лекин шунга яраша ҳақ олишаяптими? Йўқ, албатта. Жамоа бошлиғи бизга бир ой давомида ишчиларга тўланадиган маош рўйхатини кўрсатди. Унда энг юқори маош 368 сўм эди. Албатта 60 сўм товон пули билан. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтилган оғир шароитда меҳнат қилаётган бу йигитлар турмушларини қандай яхшилаб олишади. Ахир уларнинг ҳам оиласи, 6-8 нафардан фарзандлари бор.

— Бу масалалар юзасидан бошқармага қатъийвериб, юрагим безиллайдиган бўлиб қолган. Зўрга ойига 30 сўм (кунига 1 сўмдан) тушлик пули тўлашга рози бўлишди. «Пул йўқ» деб жавоб беришдан нарига ўтишмайди. Ҳаттоки, дам олиш учун бериладиган йўлланмаларни ҳам фақат саломатлигини йўқотганларга берамиз, — дейди касаба уюшмаси раиси Юнус Маткаримов.

Булар фақат битта жамоанинг дарди, холос. Бошқарманинг тармоқларида аҳвол қандай экан?

Иш шароити ва турмуш тарзини яхшилашга эришилмас экан, ишчилар билан суҳбатлашганингизда қалбингизни ўртаб юборадиган ишончсизлик, умидсизлик ҳеч қачон йўқолмайди. Наҳотки буни унутиб қўйишган бўлишса?

Меҳри ХОЛИҚОВА.

КЕЧКИ пайт ишдан уйга қайтаётиб троллейбусда эски танишимни учратиб қолдим. Одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашгач, у негадир ўз хаёлларига ғарқ бўлиб, ёнида мен ўтирганимни ҳам унутди, чоғи. Унга диққат билан разм солдим. Чамамда, танишим хомуш кўрингандек бўлди кўзимга.

— Тинчликми, Комилжон, — дедим орадаги сукунатни бузиб. — Нима, оилангизда бирор кор-ҳол рўй бердими?!

— Йўғ-е, — деди чеҳраси бироз ёришиб дўстим.

— Унда нега индамай кетяпсиз, Кўришмаганимизга ҳам икки йил бўлиб қолди-ёв. Оилангиз, ишларингиз, дунё воқеаларидан гапирсангизчи! Қалай, ота-онангиз, бола-чақаларингиз омонми?

— Шукр, ҳаммалари соғ-саломат юришибди. Лекин кечаги воқеадан ҳанузгача ўзимга келолмаяпман. Шу боис камгаплигим учун мени маъзур тутинг, ака.

— Бундоқ тушунтирсангиз-чи, — дедим асабийлашиб. — Қандай воқеа содир бўлди?

— Бозорбой деган бир ажойиб дўстим бор. Ишхонада бирга ишлаймиз. Қўли гул йигит. Ўзи муҳандис бўлса ҳам билмаган ҳунари йўқ. Дурадгорлик дейсизми, сувоқчилик, ғишт терувчилик дейсизми, қўйингчи, истаган ишингизни қойилмақом қилиб бажаради. Бироқ уни бундай касалликка йўлиққан деб сира ўйламагандим, — у шундай дедию, яна хаёлга чўмди.

— Қандай касаллик экан? Балки бирор чораси топилиб қолар, — дея уни юпатишга ҳаракат қилдим.

— Бу оғир дард экан. Тутқаноқ деган касалликни эшитгандирсиз. Бечора Бозорбой ана шу касалликка чалинган экан. Кеча ўзим бу дард тутишининг гувоҳи бўлдим. Бозорбой билан бирга автобусда уйга кетаётгандик. Тўсатдан унинг кўзлари ола-кула бўлиб оғзидан кўпик чиқиб ўзини ташлаб юборса бўладими, денг. Яхшиямки, йўловчилардан бири шифокор экан, дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилгач бироздан кейин ҳушига келди. Энг оғир хасталикларнинг давоси топиляптию, нақотки тутқаноқни даволашнинг иложи бўлмаса? — деди Комилжон гапини тугатар экан менга юзланиб.

Тиббиёт муассасаларида

ЎТИБ КЕТАР ДЕБ ЎЙЛАМАНГ

Шу-шу бўлдию, Комилжоннинг гаплари анчагача хаёлимдан кетмади. Охири, вақт топиб тутқаноқнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун Тошкентдаги 3-руҳий касалликлар шифохонасига йўл олдим.

Қабулхонада истараси иссиқ, дилкаш ва самимий Соняхон деган котиба қиз мени илиқ табассум билан қарши олди. Бу ерга нима мақсадда келганлигимни англагач, «Бироз кутиб туришингизга тўғри келади, Шоиста Ҳамидовна шифохонамиздаги тиббиёт ходимлари билан мажлис ўтказяптилар», — деди. Бирмунча фурсат ўтгач «Мен ҳам ўз фикримни билдирсам бўладими?» деди дабдурустдан. Мен «ҳа» деган маънода бошимни қимирлатиб қўйганимдан кейин у яна қўшимча қилди:

— Биласизми, Шоиста Ҳамидовна бизга раҳбар бўлиб ишга келганларидан кейин, тағин буни хушомадгўйликка йўйманг, мен холис фикр билдиряпман, шифохонамизда ижобий томонга талайгина ўзгаришлар юз берди. Яна уларнинг инсонпарварликларини, ходимларга нисбатан меҳрибонликларини айтмайсизми! Улар билан қилган суҳбатингиз чоғида бунга ўзингиз амин бўласиз.

Шоиста Ҳамидовна Иброҳимова билан мавзу хусусида суҳбатлашяпману «Соняхон таърифлаганча бор экан. Зукко, билимдон, доно. Гапларни чертиб-чертиб гапиришини айтмайсизми? Қани энди ҳамма раҳбар аёлларимиз шундай бўлса!» дейман ичимда. Суҳбатимиз асосий мавзуга кўчди.

— Шоиста Ҳамидовна, руҳий касалликлар, хусусан тутқаноқ пайдо бўлишининг асосий сабаблари нимадан иборат?

— Бош miя фаолиятининг бузилиши, яъни унинг шикастланиши руҳий кечинмалар (яқин кишиларнинг вафот этиши ёки бетоблиги, моддий етишмовчиликлар, оилавий келишмовчиликлар, хизматдаги ноҳушликлар, ўз ишидан қониқмаслик, ноҳақ ишдан бўшатишлар ва ҳоказо) ва ирсий омиллар руҳий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу уйқу бузилиши, сал нарсага асабийлашиш, йиғлаш, иш қобилиятининг пасайиши, шунингдек инсон организми ички безлари фаолиятининг ўзгаришида намоён бўлади. Аёлларнинг ҳомиладорлик пайтларида касалланиши ёки шикастланиши натижасида ҳомилага зарар етказилиши сабабли бола ривожланишдан орқада қолиши, ота-онанинг ичкиликка ружу қўйиши, уларнинг маст ҳолатда яқинлашиши, сурункали спиртли ичимликлар ичиш ва гиёҳвандлик билан шуғулланиш, пала-партиш жинсий алоқа қилиш тутқаноқ ҳуруж қилишига олиб келиши мумкин.

— Шифохонангизда даволанаётган беморлар тўлиқ соғайиб чиқишига кафолат бериладими?

— Бизда шизофрения, психопатия, олигофрения, эпилепсия, тутқаноқ, мия атеросклерозига чалинган ҳамда невроз (асабийлашиш ва қаттиқ ҳаяжонланиш)лар ва ақли заиф одамлар, шунингдек олий нерв фаолиятига таъсир қилувчи вазият кучли бўлиши натижасида ақлий чарчаш сабабли астеник невроз (дармонсизлик) касаллигига дучор бўлган беморлар ҳам даволанади. Агар шифокорлар маслаҳатига ва йўл-йўриқларига амал қилинса, бу вақт ўтиши билан албатта ўз самарасини беради. Энг муҳими, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар қандай ҳаром-хариш ишлардан одам ўзини тия билиши керак. Яъни покиза бўлиши керак, демоқчиман.

— Кейинги пайтда шифохонангизда қандай хайрли ишларга қўл урилди?

— Яқинда 200 ўринли кундузги стационар очдик. Бунда беморлар эрталаб келиб турли муолажаларни олишади ва икки маҳал бепул овқатланиб, тушдан кейин ўз уйларига қайтишади. Куну тун ишлайдиган стационаримизда эса 90 нафар бемор даволанмоқда. Шунингдек янги маъмурий бино қуриб битказилди. Беморлар амбулатория шароитида даволанадиган бўлим қайта таъмирланди. Беморлар, ҳозирги иқтисодий тангликка қарамай, сифатли ва тўйимли овқатлантирилмоқда. Бундан ташқари, кундузги стационарда уқалаш, электр билан ухлатиш ва дам олиш хоналари ташкил қилинди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун икки ўринли алоҳида палаталар ажратганмиз. Циркуляр душ ва кислород қабул қиладиган хоналаримиз мавжуд.

— Аксарият шифохоналар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу хусусда сиз раҳбарлик қилаётган шифохонада қандай муаммолар бор?

— Очиғи, бу борада бошқа тиббиёт муассасаларига ҳавасимиз келади. Чунки хориждан келтирилган биронта асбоб-ускунамиз йўқ. Борлари ҳам эскириб қолган. Келгусида замонавий компьютерлар ўрнатиш, чет элдан аппаратлар харид қилишни режалаштириб қўйганмиз. Буниг учун имкониятимиз ҳам, маблағимиз ҳам етарли.

Суҳбатдош Исмоил ЗОИРОВ.

ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРЛАРИ

● ФРАНЦУЗ олими Ж. Птининг маълумотларига кўра, етук ёшида ўпка силига учраган 100 та беморлардан 95 таси чекувчилар экан.

● ИНСОНИЯТ ҳар йили 12 миллион сигарет чекади ва қолдиқларини ташлайди. Бунинг оғирлиги 2 миллион 500 минг тоннадан ошиб кетади.

● ЖАҲОН олимлари кунига бир қутидан сигарет чекадиган кишилар ўз умрларини 8 йилга, 2 қутидан чекадиганлар эса 15 йилга қисқартиради, деб ҳисоблайдилар.

● 100 МИНГ дона сигарет чекишга улгурган 30 фоиз эркаклар ва 20 фоиз аёллар сурункали бронхит хасталигига чалинган. Чекмайдиган кишиларда эса бу рақам 5 фоизни ташкил этади.

● ЕР юзидаги 40 фоиз аҳоли (эркаклар ва аёллар) чекади. Бир секундда 300 минг дона сигарет тутатилади.

Маҳкам МУРОДАЛИЕВ тайёрлаган.

Сиҳат-саломатлик

Ушбу саҳифада

- ИНСОН ҲАЕТИНИНГ ГАРОВИ
- ТУТҚАНОҚНИНГ САБАБИ НИМАДА?
- ЎСИМЛИК ДАМЛАМАСИ ХОҚИЯТИ
- ЯХШИСИ КАШАНДАЛИКНИ ТАШЛАНГ



ИЛМ-фан уфқлари шу қадар кенгки, ҳар бир кашфиёт замирида яна бир қанча сир-асрорлар ётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу машаққатли йўлда тинмай изланаётган фан фидойиларига эса тўзим берсин экан. Сиз суратда кўриб турган олимлар Республика эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмгоҳида инсон саломатлиги йўлида илмий иш олиб бораётирлар. Биринчи суратда лаборатория мудири Б. Маткаримов лаборантлар Х. Сандинова ҳамда Л. Содиқовалар билан иш устида. Иккинчи суратда илмгоҳнинг катта илмий ходими С. Валломатов ва лаборант М. Абдуллаеваларни кўриб турибсиз.

«ДЎХТИР, ҚОН КЕРАК!»

ЙЎЛАКДАН «Дўхтир Каримов шу ерда ишлайдиларми?» деган овоз эшитилди ва сал ўтмай хонага «Мумкинми?» деб бир йигитча кириб келди.

— Дўхтир, мени сизга юборишувди, — деди у ҳаяжон билан.

— Марҳамат, келинг, Хўш, хизмат? — деб ўтиришга таклиф қилдим уни.

— Кечирасиз, шошиб турибман. Укам касалхонага, реанимация бўлимига тушиб қолди. Мени у ерга киргизишмаяпти. Укамга қон қуйиш керак, агар иложи бўлса донор топиш лозим экан. Сизнинг донорлар бошлиғи эканлигингизни эшитиб келдим.

— Илмгоҳимизга келиб яхши қилибсиз. Ҳақиқатан ҳам бу ер Ўзбекистонда ягона қон қуйиш маркази ҳисобланади. Бу ерда истаганингизча донорлар бор. Укангиз реанимация бўлимида ётган бўлса, хотиржам бўлаверинг, у ердаги шифокорларнинг ўзлари керак бўлса қон олиб келади, қон бериб операцияни бемалол давом эттиришаверади, — дедим йигитчага.

Мен донорлардан қон олувчи ва қуйишга тайёрловчи сайёр бўлим бошлиғиман. Донорлар деганн сиз ва менга ўхшаган кишилардир, Улар ўз хоҳишлари билан ҳаётбахш қон топшириб эвазига пул олмайдилар, ҳаттоки айримлари «Керак бўлсак, чақирасизлар» деб манзилгоҳлари номини беришади.

Шу кунларда болалар ўртасида йирингли касалликлар тағин кўпайди. Бунинг учун, стафилакок микробига қарши куч ҳосил қилиш учун донорларни эмлашга таклиф этяпмиз. Юртимизда мана шундай меҳри дарё, беморлар саломатлигини тиклашдай хайрли ишларда ҳамиша енг шимариб хизмат қилаётган кишилар борлигидан қалбим қувончга тўлади.

Қаршимда ўтирган йигит билан танишдим. Исми шарифи Ботир Қодиров экан.

— Ботиржон, укангизга қандай гуруҳдаги қон керак?

— Менга унинг қон гуруҳини айтишмади. Фақат қон керак дейишди, холос.

— Узингиз қон топширганмисиз?

— Йўқ.

— Қон гуруҳингизни биласизми?

— Билмайман.

— 18 ёшга тўлган ҳар бир инсон донорлар сафига кириши мумкин. Мана сиз укангиз учун қон ёки донор қидириб юрибсиз. Бу — яхши албатта. Лекин беморлар орасида ҳеч кими йўқлар ҳам бор, уларга ким қон беради? Олимларнинг айтишича, беморларга қуйиладиган қон қариндош-уруғ қони бўлса, у тез сингар экан, яъни бемор қонига енгил аралашиб, ўзининг шифобахш кучини кўрсатади. Башарти сизнинг қон гуруҳингиз укангизникига тўғри келса, қон топширишингиз мумкин. Укангизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қонингизни аямассиз, ваҳоланки, донорларимиз кимлигидан қатъий назар беморлар учун 400 граммгача қон топширяптилар. Сизга маслаҳатим — вақт кетмасин, донор бўлинг. Бунда сиз ҳам навбатсиз тиббий кўрикдан ўтасиз, ҳам қон гуруҳингизни биласиз, ҳам қонингиз сариқ, бруцеллёз, захм, СПИД касалликларининг олдини олиш учун текширилади. Шу касалликлардан ҳоли бўлсангиз бизнинг меҳмонимиз бўласиз, яъни донорлар бўлими ёнидаги ошхонамизда яхшилаб овқатланасиз. Сўнг қон топширасиз, Яна ошхонага кириб овқатланасиз. Сўнгра эса қўлингизга илмгоҳимизга келганингиз ва қон топширганингиз ҳақида ҳужжат оласиз. Қонингизни эса реанимация бўлимига юборамиз...

Қаршимдаги йигитга бу гапларим маъқул келди. У шу суҳбатдан кейин донор бўлиш истагини билдирди. Хуллас, ҳурматли ўртоқлар, сизлардан илтимос, донор бўлинг. Бу билан сиз оғир аҳволда ётган беморларнинг шифо топиб кетишида катта хизмат қилган бўласиз.

Кабир КАРИМОВ,
Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот илмгоҳи қошидаги қон тайёрлаш бўлими мудири.

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

ОДАМЛАР ўртасида ҳам тиббиётда ҳам кейинги вақтда «Дори-дармонсиз яшаш!» шиори борган сари кенг тус олмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, бу шиор амалда тўлиқ тасдиқланган. Афсуски, ҳозирги кунда қаттоки, шифокорлар тавсия этаётган дори-дармонлар ҳам зарардан холи эмас. Масалан, сульфаниламидларни истеъмол қилиш дерматит, бронхлар астмаси, нефрит, стероид-гормонлар эса пиелит, қанд диабети, эндоартерит касалликларининг келиб чиқиши сабабчиси бўлса, антибиотикларни истеъмол қилиш аёзок-танда хасталикка қаршилик кўрсатиш омилларининг йўқолишига олиб келади.

Дорилар воситасида биз дардни йўқотиш пайига тушиб, касаллик аломатларини бартараф этамизу, оддий ҳақиқатни унутиб қўямиз. Одатда, биринчи навбатда аёзок-рецепторларнинг ўзига хасталикни енгишга ёрдам бериш керак. Ахир, у касалликни қўзғатувчи зararли таъсирга қарши курашишга қодир бўлган кучга, ҳимоя кучига эга-ку. Аёзотандаги ҳимоя кучларини кучайтиришнинг кўпгина усуллари ҳам бор. Масалан, турли жисмоний тарбия машқлари, сифатли ва тўғри овқатланиш, маълум даражада оч қолиб дам бериш ва бошқалардир.

«Саломатлик учун дорилар» инсон учун мададкордир. Булар аёзо-тан ҳимоя кучларини кучайтириш ва тиклаш учун ялпи таъсир этади. Бу мақсад учун халқ табобатида ўтларнинг ҳар хил таркиби, асалари маҳсулотлари ва бошқалардан фойдаланилади. Биз қуйида шифобахш ўсимликларнинг кенг тарқалганларидан айримлари ҳақида маълумот берамиз.

ОДАМГИЁҲ (оддий женьшень, Узоқ Шарқда ўсадиган бир хил ўсимлик). Бу ўсимликнинг илдизи тананинг касалликка қаршилик кўрсатиш фаолиятини кучайтиради, ҳар хил аёзо ва тўқималар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. У қувватни оширади, толиқиш ва хомушликни йўқотади, моддалар алмашинувини кучайтиради.

Одамгиёҳнинг илдизидан махсус тайёрланган дорилар кўпинча руҳий ва жисмоний чарчаганда, иш қобилиятининг сусайишида, оғир касалликдан кейинги қувватсизликда тиклovчи, кучайтирувчи восита сифатида ишлатилади. Шунингдек, таносил безларининг фаолияти пасайганда, фаромушликда, қон босими пасайишида, юрак касаллигида, камқонлик, қанд диабети, жигарнинг шамоллашида, гастрит, марказий асаб системаларидан бирининг хасталанишида (невроз, неврастения ва бошқалар)да ишлатилади.

Одамгиёҳ кўп йиллик, бўйи 30—70 сантиметрга етадиган ўт-ўсимлик. Илдизи сершохли ўқ илдиз бўлиб, ташқи кўринниши кўпинча одам танасига ўхшайди. Пояси битта, ингичка, тик ўсади, 2—5 та барги юқори қисмида тўп бўлиб жойлашган. Барги бандли, панжасимон мураккаб, 5 та баргчадан ташкил топган. Ўсимлик 10—11 ёшга кирганида юқори барги жойлашган ердан гул ўқи ўсиб чиқади. Гул ўқига оддий соябонга тўпланган гуллар ўрнашган. Гуллари оқ яшил. Гулкосачаси беш тишли, тожбарги 5 та, оқ ёки яшил. Меваси — қизил, буйраксимон, серсувли данакчали мевадир.

Июль ойида гуллайди, меваси август-сентябрда пишади.

САНЧУВЧИ (элеутерококк колючий). Бу ўсимлик қон босимини пасайтиради, қонда қанд даражасини камайтиради, бутун танани ва марказий асаб системаларига кучайтирувчи (қўзғатувчи) таъсир кўрсатади. Ҳатто, қуюқ шарбатини бир марта истеъмол қилишнинг ўзида ҳам иш қобилияти кучайганлиги сезилади.

Текширишлар бу ўсимлик кўриш аъзоларига ҳам яхши таъсир этишини исботлаган. Шарбатини истеъмол қилиш (уч ҳафта давомида, кунига 2 марта 15 томчидан) эшитиш қобилиятини яхшилайди.

БУТАКЎЗ Ўзбекистоннинг ҳамма жойида гулзорларда ўстирилади. У бир йиллик, бўйи 40—80 сантиметрга етадиган ўт-ўсимлик. Пояси тик ўсувчи, юқори қисми шохланган.

Бутакўзнинг тилсимон гуллари таркибида центаурин ва цикорин гликозидлари, цианин бўёқ моддаси, антоцианлар ва бошқа бирикмалар бор.

Халқ табобатида бутакўзнинг тилсимон гулидан тайёрланган дамлама шамоллаш, йўтал, кўкйўтал, қорин, қовуқ оғриғи, ич кетиш, асаб ва бошқа касалликларни даволашда, қон кетишини тўхтатишда, пешоб ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади. Булардан ташқари, дамламанинг баъзи кўз касалликларига ҳам даво-си бор.

Ўсимликдан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, майдаланган тилсимон гулдан бир чой қошиқ солинади ва бир соат дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузиб олинадида,кунига уч маҳал овқатдан 15—20 минут олдин чорак стакандан ичилади.

Кейинги вақтларда тилсимон гулдан тайёрланган қайнатма ва суюқ шарбатнинг пешоб ҳайдаш таъсирига эга эканлиги тажрибада аниқланди. Шунинг учун ҳам уларни илмий табобатда ишлатиш тавсия этилади.

Муқаддасхон МУМИНОВА.

ЕНГИЛ саноатни ривожлантиришда шифокорларнинг ҳам ўз ўрни бор. Сиз суратда кўриб турган Тамара Мальцева 12 йилдан бери Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли шифохонада ҳамширалик қилиб келади. Унинг беминнат хизмати ҳақида комбинатнинг ҳар бир ишчиси мамнунлик билан сўзлаб бериши мумкин.

● «Сиҳат-саломатлик» рукнидаги бугунги мақолаларни Тошкент шаҳар саломатлик марказн уюштирди.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

ТОШКЕНТ СИЕСАТШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ИЛМГОҲИ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ШАХСЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

— корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан йўлланмаси бўлган, амалий меҳнат стажи 2 йилдан кам бўлмаган халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчилар ва колхозчилар, шунингдек запасга жўнатилган ҳарбий хизматчилар;

— мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун шартномалар асосида корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар томонидан ўқишга юборилган ишчилар, колхозчилар ҳамда бошқа ходимлар, меҳнат стажидан қатъий назар,

Тайёрлов бўлимларига қабул қилиш белгиланган режага кўра конкурс танлов асосида ўтказилади. Одатда, суҳбатдан муваффақиятли ўтганлар танловдан ўтади.

Тайёрлов бўлимларига суҳбатсиз кириш учун конкурсли танловга шу йилнинг кириш имтиҳонларини мазкур олий ўқув юртида муваффақиятли топширган, лекин конкурсдан ўта олмаган абитуриентлар киритилади. Мазкур абитуриентлар меҳнат стажидан қатъий назар корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар томонидан шартномалар асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлов бўйича юборилган бўлиши керак.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар олий ўқув юрти ректори номига ариза, шартнома рақами тузилган куни кўрсатилган тайёрлов бўлимига ёзилган йўлланма, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхада); меҳнат дафтарчаси нусхаси, 3х4 ҳажмда 6 та фотосурат, 086/У шаклдаги саломатлик ҳақида тиббий маълумотнома топширадилар.

Паспорт ҳамда харбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кирувчилар билан математика ва чет тилидан суҳбат ўтказилади.

Аризалар 25 декабргача қабул қилинади, суҳбат 25-28 декабрь кунлари ўтказилади.

Ўқиш 1992 йил 1 январдан бошланади.

Тайёрлов бўлимининг битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар битириш имтиҳонлари натижалари асосида илмгоҳнинг умумий конкурсида қатнашадилар. Конкурсдан ўтганлар илмгоҳнинг 1 курсига қабул қилинадилар.

Дарслар фақат ўзбек тилида.

Ҳужжатлар бошқарув куллиётининг 60-хонасида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Луначарский кўчаси, 54 (партия мактаби). Телефонлар: 67-93-08, 67-06-41.

ЛЕКТОРЛАР УЙИ

(Марказ-14, А. Қодирий кўчаси)

бошловчилар учун — 2 ОЙЛИК;

мактаб ўқувчилари учун — 3 ОЙЛИК;

олий ўқув юртларига киришга тайёрланаётган абитуриентлар учун 6 ОЙЛИК

ИНГЛИЗ ТИЛИ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш лингофон ва видеотехника воситасида олиб борилади.

Тингловчилар ўқув қўлланмалари ва сўзлашгичлар билан таъминланадилар.

ДАСТЛАБКИ ЙИҒИЛИШ — 19 ДЕКАБРЬ СОАТ 17.00 ДА 49-ХОНАДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ШОШИЛИНГ, ҚАБУЛ ЧЕКЛАНГАН!

Ҳар бир гуруҳда 8-10 тадан ортиқ тингловчи бўлмайди. Телефонлар: 44-55-32, 44-56-13.

Республика халқ таълими вазирлиги
22-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
«Кенг қамровли тикувчи» ихтисоси бўйича тажрибавий гуруҳга
1992 ЙИЛ УЧУН
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1,5-2 ЙИЛ.

Ўрта мактабни битирган ҳамда тикиш-бичишни яхшилаб ўрганиб олишни истайдиган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Йигитлар Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтгандан кейингина қабул қилинадилар.

Ўқиш вақтида 80 сўмдан стипендия тўланади.

Билим юрти маъмурияти шу гуруҳ битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1992 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан маълумотнома, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18-уй («Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси биносининг орқасида).

Транспорт: 9, 18, 21, 24, 26, 47, 51, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 23, 25, 28-трамвайлар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 35-62-41, 34-01-46.

С. И. ҚАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАХИРАГА БУШАТИЛГАН ЙИГИТЛАРНИ ВА УСМИРЛАРНИ

учиш аппаратларининг йиғувчи чилангарлари, механика-йиғув ишлари чилангари, металлга ишлов берувчи, токарлик мутахассисликлари бўйича ўқитиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқувчиларга ойига 150 сўмдан стипендия берилади.

Яшаш жойига муҳтож бўлганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўлланма оладилар. Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида таҳсил оладилар.

Машғулотлар гуруҳларнинг тўлишига қараб 1992 йил 1 январдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ариза, аттестат, паспорт, 6 донадан 3х4 ва 4х5 см.ли сурат.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, генерал Петров кўчаси, 331-уй (6, 29-трамвайлар; 30, 110, 119, 151, 192-автобусларнинг «Билим юрти» бекати).

ТЕЛЕФОН: 96-58-20.

Спорт

ҒОЛИБЛАР УНВОНЛИ БЎЛИШДИ

ТОШКЕНТДА катта спорт байрами, «Юбилей» спорт саройида куни кеча бокс бўйича илк бор ўтказилган халқаро турнир якунланди. Шаҳримизга ўз маҳоратларини намойиш қилиш учун Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Польша, Руминия, Швеция каби давлатларнинг чарм қўлқоп усталари ташриф буюришди. Ўзбекистон шарафини эса Самарқанд, Фарғона ва тошкентлик энг кучли боксчилар ҳимоя қилишди.

— Республикамизнинг спорт ҳаётида ушбу халқаро турнир катта воқеа бўлди, — дейди эўр қувонч билан энг машҳур боксчиларимиздан бири, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев. — Чунки биз ўзбекистонлик ёш, ёркин иқтидорларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлдик. Шахсан ўзим эса мухлисларини юксак тактик маҳорат ва ажойиб жисмоний тайёргарлик билан қувонтирган йигитларимиздан фахрланиш ҳиссини туйдим. Умуман, кўп боксчилар учун беллашувнинг учинчи бўлими энг жиддий ва қийин имтиҳон ҳисобланади. Бироқ ушбу халқаро турнирнинг кўпчилик қаташчилари учун учинчи бўлим муаммосини кўрмадим. Бу эса спортчилар касб маҳоратининг ўсиши, бокс мактабимиз даражасининг юксалиши ва унинг моддий-техник базасининг яхшиланишидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, финал баҳсларини томоша қилар экансан, машҳур боксчимиз гапларининг нақадар тўғри эканлигининг гувоҳи бўласан, киши. Айниқса, ўзбекистонлик спорт усталигига номзод С. Нуриддинов ва россиялик боксчи А. Ғаллаух ўртасидаги беллашув жуда чиройли ўтди. Иккала муносиб рақиб рингда жуда енгил ҳаракат қилишди, аниқ зарбалару яшин тезлигидаги комбинацияларнинг гувоҳи бўлган ишқибозларнинг давомли қарсаклари янгради...

— Ўзбекистон бокс мактабининг услуби, унинг профессионал савияси менга жуда ёқади, — дейди Польша делегациясининг раҳбари Марек Липко. — Мусобақаларга спортчиларимиз яхши тайёрланишган бўлса-да, уйга соғринли ўринларсиз кетмоқдамиз. Нима ҳам дейиш мумкин, Муносиб рақибларга ютқазиш ҳам ҳар ҳолда фахрлидир. Келажакда Ўзбекистон билан спорт турлари бўйича ҳамкорлик шартномасини тузмоқчимиз. Шу мақсадда яқин кунларда республикаларимиз вакиллари учрашишади, — сўзини якунлади у.

— Биз ҳам поляклар каби ўзбекистонлик спортчилар билан танишишни келажакда ҳам давом эттирмоқчимиз, — суҳбатга қўшилди Швеция боксчиларининг раҳбари Измаил Коне. — Очиғини айтганда, спортчиларингизнинг юксак маҳорати ва тошкентликларнинг меҳмондўстлигини таърифлашга тилимиз лол. Овқатланиш, транспорт хизмати, жойлаштириш каби ташкилий масалаларнинг барчаси яхши ҳал этилган, Ҳакамлар ҳам ўз вазифаларини аъло даражада адо этишди. Компьютерларнинг қўлланиши эса ахборотлар билан ўз вақтида таъминланиш учун шароит яратди.

— Биз поляк ва швед қўшниларимизнинг фикрларига тўла қўшиламиз, бироқ битта кичкина таклифимиз бор, — дейди руминиялик меҳмонимиз Георгина Аураев. — Гап шундаки, мусобақа жадвали бир оз ўзгартирилса нур устига нур бўларди. Яъни, беллашувлар орасида озгина танаффуслар бўлса турли ерлардан ташриф буюрган спортчилар ажойиб пойтахтингиз ва унинг меҳмондўст аҳолиси билан яқинроқ танишардилар.

Мана, турнир ҳам якунланди. Энг енгил вазнда қозоғистонлик И. Осмонов ғалаба қозонди. Қолган вазнларда ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасига украиналик С. Ковганко, Россия вакиллари Г. Қурбонов ва Т. Жаошвили, Ўзбекистон чарм қўлқоп усталари — Р. Бойбўлатов, К. Шукуров, Х. Зокировлар кўтарилишди. Ғолиблар нишонлар билан бир қаторда пул мукофотлари билан ҳам тақдирланишди. Тошкент турнирининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, ғолиб чиққан боксчиларга спорт устаси унвони берилди.

Сайёра МАШРАБОВА,

СУРАТЛАРДА: Тошкент халқаро турнирининг қизғин беллашувларидан лавҳалар.

Даврон Аҳмедов суратлари.





Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ ҲАМДА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Болалар бадиий ижодиёти жумҳурият маркази ҳамда Тошкент Давлат автомобиль йўллари олий билимгоҳининг маданият мажмуаси 29 декабрдан то 9 январь (1992 йил) гача шаҳар миқёсида ЯНГИ ЙИЛ арча байрами тантаналарини ўтказади.

БАЙРАМ ДАСТУРИДА: мафтункор АРЧА атрофида турли хил ўйинлар, театрлаштирилган томошалар, мультфильмлар намойиш қилинади, шунингдек, бадиий санъат асарлари ва ўзбек халқ амалий санъати намуналаридан савдо кўргазмаси ташкил этилади.

Кичкинтойлар ҚОРБОБО ва ҚОРҚИЗ ҳамда турли эртаклар қаҳрамонлари, персонажлари билан учрашадилар.

Байрам тадбирлари ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ борилади.

Байрам БУФЕТЛАРИ меҳмонлар хизматида бўлади.

Тадбирлар ҲАР КУНИ СОАТ 10.00, 12.00 ва 14.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун илтимосномалар қабул қилинмоқда.

АЗИЗ БОЛАЖОНЛАР, МАРҲАМАТ! ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИГА ШОШИЛИНГ!

Фикр-мулоҳазалар билдириш учун Болалар бадиий ижодиёти жумҳурият марказига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Сапёрлар кўчаси, 15-уй,
Телефонимиз: 56-62-29.

АЗИЗ БОЛАЖОНЛАР ВА ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

СИЗЛАРНИ Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида 28 декабрдан то 10 январь (1992 й.) гача ўтказиладиган ЯНГИ ЙИЛ томошаларига таклиф этамиз.

Томошалар ҳар куни соат 10, 12, 14 ва 16 да бошланади.

Арча атрофида пойтахт театрларининг иқтидорли артистлари ижро этадиган эртаклар оламига саёҳат қиласиз, ширин-шакар совғалар оласиз.

БОҒИМИЗ метронинг «СССР 50 йиллиги» бекати ёнида жойлашган.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 77-25-48, 77-10-96.

Йўқолган

192-мактаб томонидан Малоҳат Саиджоновна Каримовага 8-синфни тугатганлик ҳақида берилган 573771 рақамли шаҳодатнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Бектемир район СХГМ идорасига қарашли 4-дўконининг йўқолган (штампи)

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

* * *

Хўжалик ҳисобидаги қурилиш-таъмирлаш бошқармаси (ХРСУ)нинг «Қоинот» кичик корхонаси

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Чилонзор районидаги уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларида ишлаш учун бошлиқлар, бош муҳандислар ва уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаларининг линия усталари

КЕРАК

Ушбу вазифада ишлаш ниятида бўлганлар олий техник ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари лозим. Ишга кирганларга хизмат жойидан хонадон ажратилади (шартнома асосида). Иш ҳақи келишув бўйича.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: метронинг «Чилонзор» бекати. Халқлар дўстлиги кўчаси, 50-уй. Халқ депутатлари Чилонзор район Кенгаши, 11-хона. Маълумотлар учун телефонлар: 77-14-65, 76-18-14, 76-75-23.

«НИГОҲ» ФИРМАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

19 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00 ДА РУСТАМ ҚОРИ ТУРСУНОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН

«МАНГУ ҚУЙ ИЗЛАБ» НОМЛИ ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ҚОНЦЕРТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

ДАСТУРДА ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

МАҲМУДЖОН АЗИМОВ

Ленин комсомоли мукофотининг совриндорлари:

ИСМОИЛЖОН ҒУЛОМОВ, МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ.

«ҚИЗИҚЧИ—89» кўригининг ғолиби, Ленин комсомоли мукофотининг совриндори

ОБИДЖОН АСОМОВ

«ҚИЗИҚЧИ—89» кўригининг совриндори

БОТИР МУҲАММАДХЎЖАЕВ

«КАМОЛАТ — 89» кўригининг совриндори

Эркин РАҲМОНОВ

Музаффар Мирмаҳмудов, Файзулло Бобоев, Хабибулло Шамсиев

Раққоса — ГУЛНОЗА МЕЛИЕВА

Дастурни — РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ олиб боради.

Сценарий муаллифи — САЛОҲИДДИН СИРОЖИДДИНОВ.

Режиссёр — Фарҳод АҲМЕДОВ.

Чипталар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-29-04, 44-35-91.

ДИҚҚАТ! АЭРОФЛОТ

АЭРОФЛОТ ЯНГИЛИКЛАРИ!

Жумҳуриятимизнинг чет мамлакатлар билан ишбилармонликка доир дўстона алоқалари жадал суръатлар билан кенгайиб бормоқда.

14 декабрдан бошлаб ТОШКЕНТ—ИСТАМБУЛ—ТОШКЕНТ янги халқаро ҳаво йўли очилди. 3.300 км. лик масофани пўлат қушлар 4,5 соат вақт мобайнида учиб ўтади.

Тошкентдан учиш вақти Москва вақти билан — соат 17.00 да, Истамбулдан орқага эса тайёра соат 23.10 да учади.

Парвозлар ҳафтада бир марта — шанба кунлари бажарилади.

Сайёҳлар, ишбилармон кишилар, бизнесменларни янги йўналишдан фойдаланиб, Туркия пойтахтига саёҳат қилишга чорлаймиз.

Тайёрагоҳнинг халқаро бўлимида бу ҳақда батафсил маълумот олиш мумкин.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳаво йўллари марказий агентлиги «Астроваз» суғурта фирмаси билан ҳамкорликда йўловчиларни парвоз вақти муддатига 5000 сўм ҳажмидаги пулга кўнгилли равишда суғурта қилади.

Баҳоси 5 сўм турадиган суғурта полисининг орқа томонидаги маълумотларда суғуртанинг барча шартлари тўлиқ кўрсатилган. Тайёрагоҳнинг исталган кассасидан суғурта полисини сотиб олишингиз мумкин.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 32-04-69, 32-03-69.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги

РЕСПУБЛИКА МАШИНАДА ЁЗУВ ВА СТЕНОГРАФИЯ ҚУРСИ

КУНДУЗГИ ВА ҚЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курслар ўзбек ва рус тилларида иш юритиш асосларини билган котиба-машинистка ва котиба-стенографисткаларни тайёрлайди.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. Бешёғоч даҳаси, Ўзбекистон миллий боғи ёнида.

Телефон: 45-62-52.

Ўзбекистон маданият вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА
30 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00 ДА

«ОБИД—А» МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИ

ТОМОШАБИНЛАРНИНГ ТАЛАБЛАРИГА ВИНОАН

«О–Б» ТВ

(ОБИД—БОТИР телевидениеси)

КЎРСАТАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ёшлар уюшмаси мукофоти совриндори, «Қизиқчи—89» кўрик танлови ғолиби:

ОБИД АСОМОВ

«ҚИЗИҚЧИ—89» кўрик танлови ғолиби:

БОТИР МУҲАММАДХЎЖАЕВ

«ҚИЗИҚЧИ—89» кўрик танлови совриндори — СОҲИБ МАМАСОЛИЕВ;

артистлар: ЎТКИР МУҲАММАДХЎЖАЕВ, ШУКРУЛЛО ИСРОИЛОВ, БАҲРОМ МАҲМУДОВ ва бошқалар.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЁШЛАР УЮШМАСИ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ — ИСМОИЛ ҒУЛОМОВ.

Театрнинг бадиий раҳбари — ОБИД АСОМОВ,
Театр бош режиссёри—БОТИР МУҲАММАДХЎЖАЕВ

Чипталар соат 11.00 дан 19.00 гача Халқлар дўстлиги саройида сотилади.

Қуйидаги телефонлар бўйича маълумотлар олишингиз мумкин: 45-92-11, 41-74-30.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ БИНОСИДА

1991 ЙИЛНИНГ 21 ДЕКАБРИДАН
1992 ЙИЛНИНГ 12 ЯНВАРИГАЧА

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ЦИРКДА АРЧА»

«КАТТА ЦИРК» ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

ДАСТУРДА

Марина ва Нина Пузаковалар раҳбарлигидаги ЎРГАТИЛГАН ҚИЗИҚЛАР

СССР халқ артисти Ҳаким Зарипов раҳбарлигидаги «ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ»

ГУРУҲИНИНГ ЧИҚИШЛАРИ

Томошалар: 21, 22 декабрь соат 11. 13.30, 16, 18.00 да; 23, 24, 25, 26, 27 декабрь соат 11. 13.30, 16.00 да; 29—30 декабрь соат 16, 18.00 да;
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10. 16, 18.00 да;
2—7 январь соат 16, 18.00 да;

8—12 январь соат 10, 12, 14, 16, 18.00 да бошланади.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Цирк фойесида шошилинч суратқашлик устахонаси ишлаб турибди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

ВОСИТАЧИЛИК САВДОСИ —ФОЙДАЛИ ВА ҚУЛАЙ

СИЗ ЎЗИНГИЗ УЧУН КЕРАКСИЗ, ЯНГИ БУЮМИНГИЗНИ СОТИБ, ЎРНИГА ЯНГИ НАРСА ХАРИД ҚИЛМОҚЧИМИСИЗ?

УНДАЙ БЎЛСА МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ — БУ ЕРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ВОСИТАЧИЛИК САВДОСИ БЎЛИМИДА ДАРҲОЛ МУШҚУЛИНГИЗ ОСОН БЎЛАДИ.

Мазкур бўлимга фойдаланилмаган, янги буюмларгина сотиш учун қабул қилинади. Бундай буюмлар сирасига кийим-кечаклар, пойабзал, идиш-товоқлар, рўзғор асбоблари (мебель, пианино ва автомашиналардан ташқари) кириши мумкин.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОННИНГ ВОСИТАЧИЛИК САВДОСИ БЎЛИМИ ХИЗМАТЛАРИДАН БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАР ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН!

Воситачилик савдоси бўлимлари биринчи қаватда, шунингдек, Марказий универсал дўконининг тижорат моллари сотиладиган жой ёнидаги павильонда жойлашган.

Молларни қабул қилувчи комиссия соат 9 дан 13 гача ишлайди, танаффус соат 13 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Бўлимлар: биринчи қаватда соат 9.00 дан 19.00 гача, павильонда соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ ДЎКОН. «СОЮЗРЕКЛАМА» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ «САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

АТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — **18/XII да Тўмарис, 19/XII да Фауст, 20/XII да Раймонда.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — **18/XII да Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома, 19/XII да Жонимни ол, жонгинам, 20/XII да Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — **18/XII да Паранжи сирлари, 19/XII да Куёвлар конкурси, 20/XII да Кампир кетармиш.**

АБРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — **18/XII да Искандар. 19/XII да Алдагани хотин яхши, 20/XII да Маликан Турандот.**

КИНО

18 ДЕКАБРЬ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида — «ҒИРТ ЕЛҒОНЧИ» (17.00, 20.00).

Тошсовет — «СОҲИБ БХАРАТ» (17.00, 20.00).

Ёшлик — «ОКТАГОН» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ЭРАМИЗДАН МИЛЛИОН ЙИЛ ИЛГАРИ» (тоқ соатларда, 20.30).

Дўстлик — «ПОЛИЦИЯ ЛИБОСИДАГИ АЁЛ» (17.00, 20.00.), «ЧАНГАЛЗОР» (19.00, 20.40).

19 ДЕКАБРЬ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида — «ҒИРТ ЕЛҒОНЧИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Тошсовет — «СОҲИБ БХАРАТ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ёшлик — «ОКТАГОН» (жуфт соатларда).

Шарқ — «ЭРАМИЗДАН МИЛЛИОН ЙИЛ ИЛГАРИ» (тоқ соатларда, 20.30).

Дўстлик — «ПОЛИЦИЯ ЛИБОСИДАГИ АЁЛ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00). «ЧАНГАЛЗОР» (12.00, 14.30, 16.30, 19.00, 20.40).

Тошкент электромеханика техникуми томонидан **Файзиев Рустам Ганиевич** номига берилган 524773 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Уруш ва меҳнат фахрийлари Республика, Тошкент шаҳар Кенгашлари ва Совет уруш фахрийлари қўмитасининг Тошкент шўъбаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, уруш ва меҳнат фахрийлари Республика Кенгаши аъзоси С. Абдуллаевга рафиқаси

Рихсиниса АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш тижорат бутлаш маркази ходимлари корхона ишчиси В. А. Сайдалиевга онаси

Наима АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни эълонлар бўлими тайёрлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

78.308 нусхада чоп этилади. Нашр кўрсаткичи 64690. Буюртма 6483. Босмага бериш вақти 12.00. Босмага берилди 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10